

Повесть, хикоя ва новелла жанрлари тарихини муфассал баён килиш шарт эмас. Факат авантюра романлари билан бир каторда авантюра повестлари ва хикоялари тугилганлиги ҳамда ривожланганлигини, реалистик роман билан ёнма-ён тарзда эса шу методдаги хикоя ва повестлар вужудга келганлигини ҳамда тараккий этганлигини айтиб ўтиш зарурдир.

Ўзбек мумтоз адабиётида маълум даражада повесть ва хикояга ўхшайдиган асарлар бўлган. Чунончи, «Киссаи Рабгузий», Мажлисийнинг «Киссаи Сайфулмулк» сингари асарлари ўзларининг эпик хусусияти, воқеаларга бойлиги билан повесть жанрига бирмунча якин туради. Бирок улар асос эътибори билан назмда ёзилганлигига ёки ўзларида, ҳам наср, ҳам назм унсурларини бирлаштирганлигига кўра кўпроқ поэмага якин туради. Реалистик ўзбек повести, асосан, XX асрда тугилди. Ёзувчи Садриддин Айнийнинг «Бухоро жаллодлари», «Одина», «Судхўрнинг ўлими»; Абдулла Кодирийнинг «Обид кетмон», Гафур Гуломнинг «Нетай», «Ёдгор» сингари асарлари унинг дастлабки намуналари ҳисобланади.

Гафур Гуломнинг «Шум бола» асари повесть жанрига мансуб, хажвийдир, яъни юмор ва сатира омукта, бундай намуналар мумтоз адабиётда (XIX асргача бўлган даврда) кўп эди, демократик адабиётдан бошлаб, юмор сатирадан ажралган ҳолда ҳам яшай бошлади. Муқимийнинг «От», «Араванг», «Бўқок», «Пашшалар» каби кўпгина шеърлари бунга мисол бўла олади. «Шум бола» тарихий шахссиз бўлган тарихий асар. Чунки ундаги асосий қаҳрамонлар тўқимадир. Воқеа саргузаштлар негизига қурилган, хроникали тасвир усули ҳукмрон эмас. Автобиографик асар эмас, лекин унда автобиографик унсурлар мутлақо йўқ, деб бўлмайди. Халқ оғзаки ижоди, эртақлар, Насриддин Афанди, «Минг бир кеча», солдат Швейк ва бошқа манбалардан ижодий наф олинган. Тўрт қисми, IV қисм 60-йилларда, қайта ишлаш вақтида киритилган. Гафур Гулом ўн жилдлигининг 5-жилдида «Шум бола»дан саҳифалар» (1941) деган илова ҳам берилган. 1-қисмда ёш китобхон шум бола ва унинг ўртоқлари билан танишади. Шум бола эски мактабда савод чиқарган, Сўфи Оллоёргача ўқиган, отасиз — етим, аммо ўзбилармон, ошиқ, кимор ўйнаб қарз бўлиб қолади, мардикор ишлаб юради; Омон, Йўлдош, Хуснибой, Солих, Абдулла, Пўлатхўжа, Миразиз унинг ошналаридир. Шу қисмда у уйдан кетади, «кўли кингир» лиги сабаб бўлади ва дарбадарлик ҳаёти бошланади. Демак, асарнинг воқеаси тугуни ҳам шу қисмда, лекин у асар бошидан охиригача изчил ривожланиб боровчи битта воқеага суянмайди.

Шум бола, Омон ва домланинг шерикчилик келишувидан воқеа ривожланиб боради. Аммасиникида қушларни ўлдириб қўйиши, даштда ўлик ювиш воқеаси, эшакни сўйиб қўйиш, томдан ер тандирга тушиб кетиш ва ўйнашларга дуч келиш ва бошқа ходисалар шум боланинг бепарволиги, тажрибасизлиги туфайли кўп кўнгилсизликларга дучор бўлишига олиб боради. Аммо шароитга тез мослашади ва тушкунликка тушмайди. Шум бола Сарибой богида хизмат килишга ўтади, аммо ёлгончилик одати борлигини эслатади. Бир кун у бойнинг хузурига келиб, уни соғинганлигини айтиб тилёгламалик қилади; шамдан ёнгин чикди, ўглингиз Бўрибойвачча отдан йикилиб ўлди, деб ёлгон гапиради, Адал опам тугди, дейди, афсуски бойнинг бу кизи хали турмушга чикмаганди, бу воқеани хушхабар деб атайди, чакалоги Бадал аравакашнинг худди ўзи, дейди ҳам

Ўзини гўлликка солади. Бой йигласа, унга кўшилиб йиглайди, у артистга ўхшайди, уддабурон ва тадбиркор ҳам эпчил сифатида кўринади. Шу сабабли, бу ўрин вокеанинг юкори чўккисига айланади, чунки шум бола бу вокеада ўзининг бутун борлигини кўрсатади, у — довьюрак, айёр. Бойнинг зикналиги унга ёкмайди.

Повесть охиррогида шум болада инсонийлик жихатидан кўп ижобий фазилатлар унади. У онаси ва укаларини согинади, лекин улар ёнига уст-бошларимни бир оз тузатиб боришим, бир оз пул ишлашим лозим, деб ўйлайди, кирк сўмдан ортик пул ишлайди, ўзига дўппи, этик, тўн олади. У уйига курук бормаслик лозим, деб тушунади, унда уят, ору номус пайдо бўлади, табъи назми борлиги учун арузда кор хат ёзади, «Хамса»ни сотиб олади. Хуллас, вокеа ечими яхши, шум бола ўзгаришда, кўзи очилиши йўли билан, характери реалистик такомилда кўрсатилиши аёнлашади. Шум боланинг феълу атвори ўз мантиги негизида ривожланади, халк ичида, халк такдири билан алокадорликда кўрсатилган. Повестда тарихий вокеа рухидаги бадиий тўкима етакчилик килади. «Шум бола» — болаларнинг кизикарли китоби.

«Шум бола»нинг тузилиши, композициявий курилиши ҳам гоёга ва бола характерининг ўсиб боришига таянади. Конфликт ўкувсизлик, кийинчилик, шўхлик билан акд, ишбилармонлик ҳам инсонийлик орасида. Камолга етишга интилиш повесть гоёсидир. Кўпрок катта ёшдаги кишиларнинг айби ва инсофсизлиги очилади, аммо доимо ижобий жараён сўнмайди, галаба томон интилади.